

САИДЖАЛОЛОВ Саидафзал Саидханбалович
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ижтимоий фанлар ва ҳуқуқ кафедраси доц.в.б.,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДИНИЙ СОҲАДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

ОСНОВНЫЕ ПРИНЦИПЫ КОНЦЕПЦИИ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОЛИТИКИ В РЕЛИГИОЗНОЙ СФЕРЕ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

MAIN PRINCIPLES OF THE CONCEPT OF STATE POLICY IN THE RELIGIOUS SPHERE IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясининг асосий принциплари таҳлил қилинади. Концепциянинг дунёвий давлатда виждон эркинлиги таъминлаш, диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш ва жамиятда конфессиялараро бирдамлик муҳити барқарорлигини сақлашдаги ўрни очиқ берилади.

Калит сўзлар: виждон эркинлиги, дунёвийлик, давлат сиёсати, диний бағрикенглик, Ўзбекистон қонунчилиги.

Аннотация. В статье анализируются основные принципы концепции государственной политики в религиозной сфере в Республике Узбекистан. Раскрывается роль концепции в обеспечении свободы совести в светском государстве, укреплении религиозной толерантности, поддержании стабильной обстановки межконфессионального согласия в обществе.

Keywords: freedom of conscience, secularism, state policy, religious tolerance, Uzbekistan legislation.

Annotation. The article analyzes the basic principles of the concept of state policy in the religious sphere in the Republic of Uzbekistan. It reveals the role of the concept in ensuring freedom of conscience in a secular state, strengthening religious tolerance,

maintaining a stable environment of interfaith harmony in society.

Ключевые слова: свобода совести, светскость, государственная политика, религиозная толерантность, законодательство Узбекистана.

КИРИШ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда турли соҳалар қатори диний-маърифий йўналишда ҳам улкан ижобий ишлар амалга оширилди. Янги Ўзбекистондаги тарихий аҳамиятга молик ислохотлар, Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатлар соҳада улкан тараққиётни юзага келтирди. 2023 йил 30 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг дастлабки моддасидани “Ўзбекистон – дунёвий давлат” принципи мустаҳкам ўрин олди. Ўтган муддат давомида мазкур тамойилнинг мазмунини очиқлашга эҳтиёж сезилди. 2025 йил 25 февралда ЎРҚ – 1037 сон билан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонуни конституциявий тамойилни амалга татбиқ қилиш йўлида муҳим қадам бўлди. Зеро, дунёвий давлат ва диний бағрикенглик муаммолари ҳозирги глобаллашув жараёнларида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунчилик базаси дунёвийлик принципига таянади. Шу маънода диний соҳада давлат сиёсати виждон эркинлигини таъминлаш, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни мустаҳкамлаш мақсадларига қаратилганини таъкидлаш ўринли.

АСОСИЙ ҚИСМ

Виждон эркинлиги ва дунёвий давлат тамойиллари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланган (35-модда). Ҳар бир шахс хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, давлат ва дин ўртасидаги муносабатлар ҳуқуқий асосда тартибга солинади. Виждон эркинлиги давлатнинг демократик тамойилларига таянади

ва ҳар бир шахснинг шахсий танлов эркинлигини кафолатлайди. Дунёвий давлатнинг асосий хусусиятларидан бири – унинг барча динларга бир хил муносабатда бўлиши ва ҳеч бир диний таълимотга устуворлик бермаслигидир. Давлат дунёвийлик принципига таянган ҳолда, турли конфессиялар вакиллари учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди. Ўзбекистонда давлат ва дин ўртасидаги муносабатлар ҳуқуқий асосда тартибга солинган бўлиб, бу жараёнда ҳукуматнинг диний ташкилотлар билан мулоқотни йўлга қўйиши жамиятдаги барқарорликнинг асосий омилларидан бири бўлиб келмоқда.

Виждон эркинлиги фуқароларнинг ўз шахсий ва ижтимоий ҳаётларида эркин қарор қабул қилишларини таъминлайди. Бу жараёнда давлат ҳеч бир дин ёки эътиқод турини қўллаб-қувватламайди, балки барча конфессиялар ўртасида тенгликни таъминлашга интилади. Ўзбекистон қонунчилиги диний ташкилотларнинг фаолиятини тартибга солиш ва уларнинг ижтимоий ҳаётдаги иштирокини мувофиқлаштириш бўйича аниқ механизмларни ишлаб чиққан. 2025 йил 25 февралда ЎРҚ – 1037 сон билан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонуни мазкур йўналишдаги муҳим воқеълик бўлди. Етти боб ва 41 моддадан иборат мазкур Концепция жамиятда диний бағрикенглик, миллатлараро тотувликни таъминлаш билан бир қаторда радикализм ва экстремизм каби турли бузғунчи ғоялардан фуқаролар, хусусан, ёшлар онгини асрашга хизмат қиладиган аниқ механизм вазифасини ўташини таъкидлаш ўринли. Унинг 7-моддасида соҳадаги эришилган ютуқлар қайд этилган: “Бугунги кунда Ўзбекистон миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик амалда таъминланган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат сифатида барқарор ривожланиб келмоқда. Мамлакатда 16 та конфессияга мансуб бўлган 2 300 дан ортиқ диний ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда, 130 дан зиёд миллатлар ва элатлар вакиллари истиқомат қилмоқда. Давлат томонидан 7 тилда таълим олиш имконияти яратилганлиги, 12 тилда телерадиодастурлар

эфирга узатилаётганлиги, 14 тилда газета ва журналлар чоп этилаётганлиги, 155 та миллий маданий марказ эркин фаолият юритаётганлиги миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик муҳитининг амалдаги намунаси ҳисобланади”. Концепциянинг учинчи боби “Ўзбекистон Республикасида диний соҳадаги давлат сиёсатининг мақсади, асосий вазифалари ва принциплари”га бағишланган бўлиб, унинг 10 моддасида: “Ўзбекистон Республикасида диний соҳадаги давлат сиёсати қуйидаги асосий принципларга таянади: қонунийлик, виждон эркинлиги, диннинг давлатдан ажратилганлиги, тенглик, эркин танлов, динлараро мулоқот ва ўзаро тушуниш” дея белгиланган. Қуйида мазкур принциплар ҳақида маълумот тақдимот этилади:

1. Қонунийлик принципи. Қонунийлик – давлат сиёсатининг асосий принципларидан бири бўлиб, у мамлакатда барча диний фаолиятнинг қонунлар асосида амалга оширилишини назарда тутди. Қонунийликнинг таъминланиши диний ташкилотларнинг давлат рўйхатидан ўтишини ва уларнинг расмий ҳуқуқий мақомга эга бўлишини талаб қилади. Шу орқали жамиятда барқарорлик ва тартиб сақланади. Диний соҳада қонунийлик принципи давлатнинг ҳеч бир диний конфессияга устуворлик бермаслигини ва барча диний ташкилотларни тенг ҳуқуқ асосида қабул қилишини англатади. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятини тартибга солиш орқали уларнинг мамлакат қонунларига мувофиқ иш олиб боришини таъминлайди. Шунингдек, қонунийлик принципи фуқароларнинг виждон эркинлигини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир шахс ўз диний эътиқодини ҳеч қандай таъйиқсиз амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлиб, бу ҳуқуқ давлат томонидан кафолатланади ва ҳимоя қилинади.

2. Виждон эркинлиги принципи. Виждон эркинлиги - ҳар бир шахснинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқини таъминловчи конституциявий принципдир. Бу тамойил инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми бўлиб, жамиятда турли эътиқод ва мафкураларнинг эркин ривожланишига хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида ҳар кимнинг виждон эркинлиги

ҳуқуқи кафолатланган. Виждон эркинлиги принципи фуқароларнинг шахсий эътиқодига ҳурмат қилиш ва уларнинг диний қарашларини эркин амалга ошириш имкониятини яратишга қаратилган. Давлат ҳеч бир дин ёки конфессияга устуворлик бермасдан, барча фуқароларнинг диний ёки дунёвий қарашларига нисбатан тенг муносабатда бўлишни кафолатлайди. Шунингдек, диний ташкилотларнинг қонуний фаолият юритиши ва фуқароларнинг диний эҳтиёжларини қондиришлари учун тенг шарт-шароитлар яратилади. Шунингдек, виждон эркинлиги жамиятда тинч-тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Турли эътиқодларга эга бўлган инсонлар ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитида яшаши учун давлат диний эркинликни ҳимоя қилиш бўйича қатъий чора-тадбирларни амалга оширади. Бу эса жамиятда миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

3. Диннинг давлатдан ажралганлиги принципи. Дунёвий давлатнинг асосий тамойилларидан бири бу – диннинг давлатдан ажратилганлигидир. Ушбу принцип давлатнинг турли динларга бирдек муносабатда бўлишини, ҳеч бир динга устуворлик бермаслигини ва давлат бошқарувининг фақат қонунчиликка асосланган ҳолда амалга оширилишини таъминлайди. Бу тамойилга кўра, давлат ҳеч қандай диний ташкилотга расмий мақом бермайди ва уларнинг ишига аралашмайди. Диннинг давлатдан ажралганлиги принципи, шунингдек, диний ташкилотларнинг давлат сиёсий жараёнларига таъсир ўтказмаслигини ҳам назарда тутаяди. Давлат бошқаруви фуқароларнинг диний қарашларидан қатъи назар, уларга тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар яратишга қаратилган. Шу сабабли, давлат муассасалари, таълим тизими ва ҳуқуқ-тартибот органлари дунёвийлик тамойили асосида иш юритади. Бундан ташқари, давлат дин ишлари билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятини тартибга солиши мумкин, аммо уларни қўллаб-қувватлаш ёки молиялаштириш мажбуриятига эга эмас. Бу эса, ўз навбатида, диний ташкилотларнинг мустақиллигини кафолатлайди ва уларнинг ички ишларига давлат томонидан аралашувни чеклайди. Мазкур принцип жамиятда диний бағрикенгликни таъминлашга хизмат қилади.

4. Тенглик принципи. Тенглик принципи давлатнинг барча фуқароларига, уларнинг динга муносабатидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва имкониятлар яратилишини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, ҳар бир шахс ирки, миллати, дини ёки ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, тенг ҳуқуқларга эга. Бу тамойил фуқароларнинг диний эътиқодига қараб камситилишининг олдини олади ва жамиятда барқарорликни таъминлашга хизмат қилади. Диний соҳада тенглик принципи давлатнинг ҳеч бир дин ёки конфессияга устуворлик бермаслигини англатади. Барча диний ташкилотлар бир хил ҳуқуқий мақомга эга бўлиб, улар давлат рўйхатидан ўтиш ва фаолият юритишда тенг имкониятларга эга. Шунингдек, давлат томонидан диний ташкилотларнинг фаолиятига тенг шарт-шароитлар яратилиши таъминланади. Шунингдек, тенглик принципи фуқароларнинг диний эътиқодига қараб давлат хизматига қабул қилинишида, таълим олишида ёки бошқа ижтимоий-иқтисодий жараёнларда камситилишини тақиқлайди. Бу тамойил, ўз навбатида, жамиятда адолатли муҳит яратиш ва миллатлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

5. Эркин танлов принципи. Эркин танлов принципи ҳар бир шахснинг ўз диний эътиқодини мустақил равишда танлаш ҳуқуқини таъминлайди. Ушбу принципга кўра, фуқаролар ўз хоҳишига кўра маълум бир динга эътиқод қилиши, унинг талабларига амал қилиши ёки умуман динга ишонмаслик ҳуқуқига эга. Давлат ҳеч бир шахсни мажбурий равишда муайян дин ёки эътиқодга қаратмаслиги лозим. Шу билан бирга, эркин танлов принципи диний таълим ва ибодат масалаларида ҳам қўлланилади. Ҳар бир шахс ўзини қизиқтирган диний таълимотни ўрганиш, диний маросимларда иштирок этиш ёки ўз эътиқодига мувофиқ амаллар бажариш имкониятига эга бўлиши керак. Бунда давлатнинг вазифаси – бу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва уларнинг таъминланишига кафолат беришдан иборатдир. Эркин танлов принципи жамиятдаги бағрикенглик муҳитини шакллантириш ва диний плюрализмни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир шахснинг шахсий эътиқодини ҳурмат қилиш маданияти жамиятда тинч-тотувлик ва конфессиялараро ҳамжиҳатликни

мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу боисдан, давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида мазкур принциплар таъминлашга катта эътибор қаратилади.

6. Динлараро мулоқот ва ўзаро тушуниш.

Динлараро мулоқот ва ўзаро тушуниш – диний бағрикенглик ва жамиятдаги барқарорликни таъминлашда муҳим тамойиллардан биридир. Бу принцип турли конфессиялар ва диний гуруҳлар ўртасида очиқ мулоқот ўрнатиш, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик муҳитини шакллантиришни назарда тутди. Ўзбекистонда бу йўналишда бир қатор ташаббуслар амалга оширилиб, турли диний конфессиялар ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қаратилган. Давлат диний ташкилотлар ва жамият ўртасида мулоқотни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратди. Бу жараёнда турли конфессия вакиллари учун учрашувлар, конференциялар ва тадбирлар ташкил этилиб, уларнинг бир-бирини яхшироқ англаши ва ҳамкорлик қилиш имконияти яратилади. Бу нафақат диний бағрикенгликни кучайтиради, балки миллатлараро тотувликни ҳам мустаҳкамлайди. Шунингдек, динлараро мулоқот халқаро даражада ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистондаги турли диний конфессиялар вакиллари халқаро анжуманларда иштирок этиб, дунё миқёсидаги динлараро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда. Бу, ўз навбатида, мамлакатнинг халқаро нуфузини ошириш ва жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди.

ХУЛОСА

Конституциянинг асосий мақсадларидан бири - миллатлар ва динлар ўртасида бағрикенглик муҳитини таъминлашдир. Мамлакатда 16 та конфессия ва 2300 дан ортиқ диний ташкилотлар фаолият юритмоқда. Шунингдек, диний байрамлар эркин нишонланиши ва зиёрат туризмнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилган. Диний соҳада давлат сиёсати радикаллашув ва экстремизмга қарши курашни ҳам ўз ичига олади. Бу борада 2021 йилда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги янги Қонун радикал оқимларга қарши чоралар кўришни назарда тутди. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, диний

бағрикенгликни таъминлаш учун давлатнинг фаол иштироки талаб этилади. Франция, АҚШ ва Германия каби давлатлар ҳам дунёвийлик принципига таянади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган диний сиёсат шунингдек миллий урф-одатлар ва қадриятларга ҳам асосланади. Ўзбекистон Республикасида виждон эркинлиги ва диний бағрикенгликни таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Дунёвийлик принциплари мамлакатда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Давлат ва жамиятнинг ҳамжиҳатлиги, шунингдек, диний соҳада ҳуқуқий тартибга солиш механизмлари келгусида ҳам такомиллаштирилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон” НМК, 2023.
2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси. <https://docs.un.org/a/res/73/128>
3. Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/5491534>
4. “Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонун. <https://lex.uz/ru/docs/7404923>
5. Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/uz/docs/3841957>